

## ПУЛЛАР ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР – ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИННИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

**Хушбоқова Нигора Ғайрат қизи**

*Төрмиз давлат университети Юридик факультети  
Юриспруденция таълим йўналиши 3-босқич талабаси*

**Аннотация:** пуллар, пулнинг хусусиятлари ва вазифалари, қимматли қоғозлар ва уларнинг хусусиятлари, эмиссиявий қимматли қоғозларнинг давлат рўйхатидан ўtkазиш тартиби, акциялар, уларни айирбошлиш ва майдалаш масалалари кенг ёритилган.

**Калит сўзлар:**пул, қимматли қоғоз, акция, оддий ва имтиёзли акция, “сўм”, айирбошлиш ва майдалаш, валюта ва бошқ.

Пуллар. Пул ҳам фуқаролик ҳуқуқининг объектидир. Пул мамлакатнинг хўжалик ҳаётида, хусусан, савдода катта аҳамиятга эга. Пул ўзининг узоқ давом этган тадрижий ривожланишида, мол-хол, зайдун ёғи, олтин ва кумуш ёмбиси қўринишидаги айирбошлиш воситаларидан ҳозирги электрон пулларга, кредит карточкаларига қадар бўлган йўлни босиб ўтди. Пул бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим қуролларидан бири ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан пулнинг хусусиятлари ва вазифалари қуидагича ифодаланиши мумкин:

- пул қонун ҳужжатларига мувофиқ истеъмол қилинадиган, турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёларнинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган турларидан бири ҳисобланади;
- пул қўпчилик фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда (масалан, қарз, кредит, ҳадя ва бошқа шартномалар бўйича) мустақил объект сифатида иштирок этади;
- пул фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда (масалан, олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контрактация ва бошқа шартномалар бўйича) тенг қийматга эга бўлган объект ҳисобланади;
- умумий эквивалент, яъни тенг қийматга эга бўлган объект сифатида ҳар қандай ашё билан алмаштириш, етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш учун ҳам қўлланилади;
- пул ҳар қандай қонуний қарзни, унинг ҳар қандай ҳолатлар асосларида (масалан, муайян мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли) вужудга келишидан қатъи назар, уни тузиш, тўлаш, қоплаш воситаси сифатида муҳим роль ўйнайди<sup>25</sup>.

Мустақил давлатнинг асосий атрибутларидан бири – бу унинг миллий валютасидир. Шу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар

<sup>25</sup>Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент. ТДЮИ, 2009. – 37-38-6.

натижасида Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмни муомалага киритиш бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1994-йил 16-июндаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида”ги Фармони<sup>26</sup> билан 1994-йилнинг 1-июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида 1 000 сўм пул купонга бир “сўм” нисбати билан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – “сўм” муомалага киритилди. Сўм унда ёзилган қиймат бўйича қабул қилиниши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – “сўм” Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500, 1000 сўм бўлган банк қоғоз пуллар “банкноталар” ва 1, 3, 5, 10, 20, 50 “Тийин”, 1, 5, 10, 25, 50 сўм бўлган металл тангачақалар ҳолида нақд пул муомаласига чиқарилди.

Мазкур Фармоннинг 4-бандига мувофиқ 1994-йилнинг 1-июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида “Сўм” мулкчилик шаклидан қатъи назар қонуний тўлов воситаси ҳисобланади.

“Сўм”лар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчилик шаклларидан қатъи назар, ҳамма жисмоний ва юридик шахслар томонидан барча турдаги тўловларга, шунингдек банклар томонидан омонатлар ва ҳисоб варақларига қўшиб қўйиш учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий валюта – “Сўм” билан бир қаторда эркин муомаладаги валютада тўлов воситаси сифатида белгиланган тартибда фойдаланишга рухsat берилади<sup>27</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга киритилган пул муомаласини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қатор қарорлар қабул қилди. 1994-йил 12-июлда “Муомаладаги нақд пулларни камайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>28</sup>ги ва 1994-йил 23-июльдаги “Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмашинувини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғриси”<sup>29</sup>ги қарорлар шулар жумласидандир.

Пуллар жисмоний аломатлари билан белгиланган ашёлар қаторида бўлиб, пул белгиларининг сони бўйича ҳисобланмай, балки бу белгиларда кўрсатилган суммаларга қараб ҳисобланади.

Пул ҳар хил битимларнинг, масалан, олди-сотди, қарз ва бошқа битимларнинг предмети бўлиб, халқ хўжалигида, шунингдек фуқаролик-хукуқий муносабатларда муҳим аҳамиятга эга.

<sup>26</sup>[https://nrm.uz/content?doc=32883\\_0%E2%80%98zbekiston\\_respublikasi\\_presidentining\\_16\\_06\\_1994\\_y\\_pf-870-son\\_0%E2%80%98zbekiston\\_respublikasining\\_milliy\\_valyutasini\\_muomalaga\\_kiritish\\_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi\\_farmoni](https://nrm.uz/content?doc=32883_0%E2%80%98zbekiston_respublikasi_presidentining_16_06_1994_y_pf-870-son_0%E2%80%98zbekiston_respublikasining_milliy_valyutasini_muomalaga_kiritish_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_farmoni)

<sup>27</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари. – Тошкент: Адолат, 1995.3-сон. – Б. 73-76

<sup>28</sup>//Халқ сўзи, 1994 йил 12-июль.

<sup>29</sup>//Халқ сўзи, 1994-йил 23-июль.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов айтганларидек, “Миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулқидир”<sup>30</sup>.

Пул (валюта), валюта қимматликлари тўғрисидаги қоида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 94-95-моддаларида берилган.

Миллий сўмдан ташқари чет эл валютаси ҳам муомалада бўлади. Пул ва чет эл валютаси бир хил тушунчага эга. Фақат чет эл валютаси хорижий мамлакатларга тегишли бўлиб, мамлакатимизда улар билан ҳисоб-китоб қилишда фарқ мавжуд. Чет эл валютаси билан боғлиқ муносабатлар 2019-йил 22-октябрьда қабул қилинган ”Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Қонун<sup>31</sup>и билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солувчи давлат органидир. Чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган банклар ваколатли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича операцияларда валюта курси чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб, шартномавий асосда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси валютасининг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлашда фақат бозор механизмларидан фойдаланилади.

Марказий банк чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш тартибини белгилашда чет эл валютасига бўлган талаб ва таклиф асосида валюта курсини аниқлаш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутади.

Марказий банк валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ҳисоботлар ва бошқа ҳисоботлар мақсадлари учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида божхона ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш учун валюта курсини мунтазам равишда белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида резидентлар ва норезидентлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш ҳамда сотиш фақат Ўзбекистон Республикаси банклари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида банклараро валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш фақат Ўзбекистон Республикаси банклари ҳамда Марказий банк томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасида валютани назорат қилувчи органлардир.

<sup>30</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 217 б.

<sup>31</sup><https://lex.uz/docs/4562834>

Валюта операциялари бўйича ҳисоботларни тақдим этиш тартиби, уларнинг турлари, тақдим этилиш шакли ва муддатлари Марказий банк томонидан валютани назорат қилувчи бошқа органлар билан биргалиқда уларнинг ваколатлари доирасида белгиланади.

Жисмоний шахслар чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш юзасидан ҳисоботлар тақдим этмайди.

Қимматли қоғозлар -Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 96-моддасида кўрсатилганидек, мулкий ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи хужжатлардир.

Қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши фуқаролик муомаласи соҳасидаги мулкий ҳуқуқларни ўтказиш ва мажбуриятларни бажариш хусусиятларини тарибга солувчи ҳуқуқий институт шаклланишини тақозо этади. Фуқаролик муомаласи объектларини аниқ тушунмаслик қимматли қоғозларнинг фуқаролик муомаласидаги ўрни ва ролини белгилашни қийинлаштиради. Шу муносабат билан диссертант томонидан қимматли қоғозлар ҳуқуқий табиатини уларни фуқаролик муомаласига киритиш нуқтаи-назаридан идентификациялаш таклиф этилади. Хусусан, муаллиф Фуқаролик кодекси нормаларида қимматли қоғозларни муомалага киритишнинг моҳиятини белгилаш лозимлигини асослайди. Зоро, бу ҳолатда қимматли қоғозларга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъектларининг мажбурият ҳуқуқлари ва мулкий ҳуқуқлари ўз ифодасини топади. Бу эса ўз навбатида қимматли қоғозларни шак-шубҳасиз фуқаролик ҳуқуқи объекти эканлигини англатади ва уларга нисбатан мақбул ҳуқуқий тартибни белгилаш имконини беради<sup>32</sup>.

2015-йил 3-июндаги Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги 387-сонли янги таҳрирдаги Қонун<sup>33</sup>ига кўра, қимматли қоғозлар — ҳужжатлар бўлиб, улар мазкур ҳужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкий ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайди, дивиденdlар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутади.

Қимматли қоғозлар чиқарилиш шаклига кўра бланкалар тарзида ҳужжатли ва электрон шаклдаги ҳисобга олиш регистрларидағи ёзувлар тарзида ҳужжатсиз бўлиши мумкин.

Акциялар, корпоратив ва инфратузилма облигациялари, шунингдек депозитар тилхатлар ҳужжатсиз шаклда чиқарилади.

Ушбу Қонунга мувофиқ, корпоратив облигациялар қуйидаги шартларга риоя этган ҳолда:

<sup>32</sup>Назаров Ю.Б. Проблемы правового регулирования выпуска и обращения ценных бумаг в гражданском обороте. Автореф. Дисс.докт.юрид.наук.- Ташкент. 2008. – 10-11 с.

<sup>33</sup><https://lex.uz/docs/2662539>

- эмитентнинг бундай облигациялар чиқариш тұғрисида қарор қабул қилинган санадаги үз капитали миқдори доирасида. Агар корпоратив облигациялар суммаси эмитентнинг үз капитали миқдоридан ошса, эмитент ошган сумма учун таъминот бериши шарт;

- сүнгги бир йилда рентабеллик, түловга қобилятлилик, молиявий барқарорлык ва ликвидлиликтің ижобий күрсаткичларыга әга бўлган эмитентлар томонидан;

- облигациялар чиқарилишидан олдинги бир йил учун молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хulosаси мавжуд бўлганда;

- инвесторларга тегишли маблағларнинг эмитентлар томонидан тўланиши бўйича тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банклари иштироқида чиқарилади.

Инфратузилма облигациялари қуйидаги шартларга риоя этган ҳолда:

- эмитентнинг бундай облигациялар чиқариш тұғрисида қарор қабул қилган санадаги үз капитали миқдори доирасида. Агар инфратузилма облигациялари суммаси эмитентнинг үз капитали миқдоридан ошса, эмитент ошган сумма учун таъминот бериши шарт;

- облигациялар чиқарилишидан олдинги бир йил учун молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хulosаси мавжуд бўлганда;

- инфратузилма облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида назарда тутилган лойиҳани молиялаштириш учун фойдаланилса, чиқарилади.

Давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, шунингдек давлат корхоналари томонидан инфратузилма облигациялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда чиқарилади.

Корпоратив ва инфратузилма облигацияларини чиқаришнинг қўшимча шартлари қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш

Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан эмитентнинг аризаси асосида амалга оширилади. Эмитентнинг аризасига қуйидагилар илова қилинади:

- эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тұғрисидаги қарор;

- қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи (қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган тақдирда);

- бланка намунаси (хужжатли шаклдаги эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилган тақдирда);

- рўйхати қонунчиликда белгиланадиган бошқа ҳужжатлар.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бүйича ваколатли давлат органи эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган хужжатлар олинган санадан эътиборан ўттиз кун ичидаги давлат рўйхатидан ўтказиши ёки эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида асослантирилган қарор қабул қилиши шарт.

Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилаётганида эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорнинг ҳар бир нусхасида эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида белги қўйилади ва эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишига берилган рўйхатдан ўтказилганлик рақами кўрсатилади.

Эмиссивий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган хужжатдарнинг тўғрилиги учун жавобгарлик эмитент зиммасида бўлади.

Акция — ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилганидан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳукуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган, эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоз.

Акциялар эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳукуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳукуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳукуқларни беради.

Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

Акциялар мулк ҳукуқи ёки бошқа ашёвий ҳукуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳукуқини беради.

Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳукуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳукуқини беради.

Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий ёки имтиёзли акция жамиятнинг овоз берувчи акциясидир<sup>34</sup>.

Акцияларнинг номинал қиймати беш минг сўмдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

#### Акцияларни йириклиштириш ва майдалаш

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамият жойлаштирилган акцияларни йириклиштиришга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида жамиятнинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади. Бунда жамият уставига унинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият жойлаштирилган акцияларни майдалашни амалга оширишга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида жамиятнинг бир ауцияси худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияга айирбошланади. Бунда жамият уставига жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент. ТДЮИ, 2009. – 37-38-б;
2. [https://nrm.uz/contentf?doc=32883\\_o%E2%80%98zbekiston\\_respublikasi\\_presidentining\\_16\\_06\\_1994\\_y\\_pf-870-son\\_o%E2%80%98zbekiston\\_respublikasining\\_milliy\\_valyutasini\\_muomalaga\\_kiritish\\_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi\\_farmoni](https://nrm.uz/contentf?doc=32883_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_presidentining_16_06_1994_y_pf-870-son_o%E2%80%98zbekiston_respublikasining_milliy_valyutasini_muomalaga_kiritish_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_farmoni);
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари. – Тошкент: Адолат, 1995.3-сон. – Б. 73-76;
4. //Халқ сўзи, 1994 йил 12-июль;
5. //Халқ сўзи, 1994-йил 23-июль;
6. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 217 б;
7. <https://lex.uz/docs/4562834>;
8. Назаров Ю.Б. Проблемы правового регулирования выпуска и обращения ценных бумаг в гражданском обороте. Автореф. Дисс.докт.юрид.наук.- Ташкент. 2008. – 10-11 с;
9. <https://lex.uz/docs/2662539>;
10. <https://lex.uz/docs/2382409>.

<sup>34</sup><https://lex.uz/docs/2382409>